# МИЛЛАТ ҒУРУРИ

(Давоми. боши 1-бетда.)

— иккинчи муовин, Мухтор Бакир — саркотиб, Абдусамиъқори Зиёбоев хазинадор,қилиб сайланадилар. Ўтган 9 йиғилишда бўлажак университетнинг ташкилий тузилишидан шўъба-факультетлари-ю, энг муҳим соҳаларнинг дастурларигача ишлаб чиқилади. Уларга кўра, университет уч босқичли (қуйи, ўрта, олий) бўлиб, "ибтидоия шўъбаси" деб аталган биринчи босқичга ёши 15-дан кам бўлмаган уч гуруҳ ўқувчилар қабул қилинар эди. Ибтидоия шўъбаси асосан ўрта маълумот берар, ўқувчини талабаликка тайёрлар, айни пайтда анъанавий қўл ҳунаридан электрсозликкача бўлган алоҳида ўқув дастури ва муддатига эга турли-туман касб-корларга ўргатишни ҳам кўзда тутар эди. Жумладан, 2 мусулмон касб мактаби очиш мўлжалланади.

Иккинчи босқич — дорулмуаллимин беш йиллик бўлиб, унга 6 йиллик бошланғич мактабни тугатганлар, "аввалда муаллим бўлиб-да, баъзи фанлардан қусурли ёки таълим ва тарбиядан маълумотлари такмин этилурга муҳтож" кишилар қабул қилинар эди. Дорулмуаллиминдан мақсад "ибтидоий ва ўрта мактабларда қувваи илмия ҳам аҳволи таълим ва тарбия жиҳатиндан етушинча хабардор бўлғон ўқитувчилар етиштирув" эди.

Учинчи — олий босқич эса, Оврупо андозаларидаги олий ўқув юртини кўзда тутар эди.

Ташкилий комиссия қарорига мувофиқ Тошкентнинг ўзида ибтидоийя шўъбасига маҳаллий йигит-қизлар учун 23 мактаб (шундан 4таси хотин-қизлар мактаби), муаллимлик курслари, ҳунар мактаблари, кутубхона, қироатхона, боғча кабилар очиладиган бўлди. "Программа комиссияси", "жой комиссияси", "дорулмуаллимин комиссияси" каби кўплаб комиссиялар тузилиб, ишга киришди. Хуллас, дорулфунуннинг нашри афрокидан "дорулфунун театри"гача, дорулмуаллиминнинг Бекларбеги мадрасасида бўладиган "пансион"игача муҳокама қилинди.

Хорижий тилларга алоҳида эътибор берилди, Ғарбдан биринчи навбатда немис, сўнг инглиз, француз, Шарқдан арабча, форсчани ўрганиш шарт этиб қўйилди.

Дорулфунун кенгаши университетнинг олий органи ҳисобланар, унинг таркибини эса, шўъбалардан сайланиб келадиган вакиллар ташкил қилар эди.

Мажлис жамоанинг ярмидан кўпи иштирокчи, сайловлар оддий кўпчилик овозини олиш билан ҳал қилинарди. Дорулфунун кенгаши раиси университет ректори ҳам эди.

1918 йил 12 майда Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги собиқ Викула Морозов савдо уйи (ҳозирги Қодирий боғининг Себзор томонида, босмахона рўпарасида жойлашган эди)да Туркистон мусулмон халқ дорулфунуни очилди. Уни маълум ва машҳур жамоат, маданият арбоби, ташкилий комиссия раиси, Мусулмон халқ дорулфунуни ректори Мунавварқори Абдурашидхонов очади. Туркистон халқининг илм-фанга, маърифатга муҳтожлиги, университетнинг миллат ва ватан қаддини тиклашда буюк омиллардан бўлажаги ҳақида гапирди. Давр удумига кўра, озодлик қурбонлари ҳурматига, мусулмон шаҳидлар ҳаққига Абдусамиъқори Қуръон тиловат қилади.

Гарчи мусулмон халқ дорулфунуни ўлканинг 95 фоиз аҳолисини ташкил этган беш ярим миллион тубжой халқнинг она сутидан ҳалол ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилаётган бўлса-да, унинг мустақил иш юритиши очилган куниданоқ хавф остида қолган эди. Шунга қарамасдан, Мусулмон халқ дорулфунуни ўлка маънавий ҳаётида муҳим ҳодиса бўлди. Буни шундан ҳам билса бўладики, университет очилган кунда унда ўқиш учун ёзилганлар сони 945тага етган эди. 15 майда университет низоми қабул қилинди. Қисқа муддатда 23 мактаб ташкил топди. 299 муаллим жалб этилди. Улардан 22 киши олий диний мадрасаларни, 2 киши Русия университетларини битирган эдилар. Ўқитувчилар орасида 20га яқин шоир ва ёзувчилар, дарслик муаллифлари бор эдилар.

31 майда Тошкентдаги собиқ семинария биносида таниқли элшунос олим Абубакр Диваев раислигида дорулмуаллиминнинг тантанали очилиш маросими бўлди. Асосий маърузачи Мунавварқори барчани табрик этиб, "эски ҳукуматнинг мусулмонлари ағфол (менсимаслик) ва эзмак қасди (мақсади) ила очғон бу семинария биноларида мусулмонларнинг дорулмуаллиминларини очиш" замони келганидан шодмонлик изҳор қилди. Абдусамиъқори, Камол Шамс, Исмоил Ҳаққи, Мухтор Бакир, жамъи ўндан ортиқ киши сўзга чиқди. Дорулмуаллиминнинг мусулмон халқ дорулфунуни кенгашининг 1918 йил 7 майдаги умумий мажлисида тасдиқланган таълим дастурида фаол қатнашган ўз илмий-педагогик хизматлари билан эътироф этилган 13 киши — Камол Шамс, Мунавварқори, Фитрат, Бурҳон Ҳабиб, Иброҳим Фаҳмий, Ҳайдар Шавқий, Амин Афандизода, Абдураҳмон Исмоилзода, Абдулла Раҳимбой, Исмоил Ризо, Владимир Сергеев, Загрубская,Углицкийлар «ҳайъати таълимия» (илмий кенгаш аъзолари) қилиб сайландилар. Дарслар ўз даврининг етакчи мутахассислари томонидан берилди: она тили ва адабиёти (Фитрат), аҳлоқ (Мунавварқори), этнография (Абубакр Диваев), математика (Камол Шамс), сиёсий тарих (Бурҳон Ҳабиб) ва ҳоказо.

Мусулмон дорулфунуни Туркистон маънавий ҳаётида муайян силжиш ҳосил қилди. Миллатнинг истиқболига ишончи ошди. Зиёлилар дорулфунун мурожаати билан ўз уйларидаги илмий-адабий китоблар, дарсликларни университет корхонасига инъом эта бошладилар.

Самарқандда дорулфунун шўъбаси очилди. Машҳур Маҳмудхўжа Беҳбудий раис, таниқли адиблар — Ҳожи Муин, Саидаҳмад Сиддиқий, А. Қурбий, Ш. Мухторий аъзо бўлиб кирдилар.

Тошкент "мадраса талабалари жамияти" улар учун ҳам "адабиёт курслари очиш", "мударрисларнинг талабалар томонидан сайланиб қўйилишлари"га таъсир кўрсатиш" кабиларни сўраб Мусулмон халқ дорулфунуни идорасига мурожаат қилади.

Дорулфунуннинг олий босқичида 5 факултет-шўъба: адабиёт ва фалсафа, иқтисодиёт ва ижтимоиёт, зироат ва овул хўжалиги, тиббиёт ва риёзиёт, саноат ва техника бор эди. Мусулмон халқ дорулфунуни кенгаши Тошкентдаги машҳур "Турон" саноеъ нафиса жамиятини ва "Чўлпон" театри тўгарагини дорулфунун таркибига олади.

Лекин, табиийки, Мусулмон халқ дорулфунунининг миллийликка мойиллиги шўролар ҳокимиятига ёқмади. Мусулмон халқ дорулфунуни очилар-очилмас, шўъба даражасига туширилди. Ҳар жиҳатдан ишланган, тайёрловини қўшганда беш йилга мўлжалланган дорулмуаллимин дастлаб 4 йиллик курсга айлантирилди, сўнг ундан ҳам қисқартирилди, роса юз кунга келтирилди. 1 июнда иш бошлаган эди. Қуйи босқич — мактаблар халқ маориф комиссарлигига ўтказилди. Рус тилини етарли билмаган маҳаллий ёшлар олий таҳсилдан маҳрум бўлиб қолаверадилар. 1920 йили Туркистон халқ университети давлат университетига айлантирилди. 1923 йили унинг беш факултетида ўқиётган 2453 талабанинг 50тасигина ўзбек эди. Қолган талабалар: 1575 — рус, 397 — европалик яҳудийлар, 134 — арман, 81 — татар, 57 — қозоқ-қирғиз, 11 — тожик, 34 — Бухоро яҳудийлари, 9 — туркман, 8 — уйғур, 1 — дунган, 1 — литвалик, 18 — таши, 32 — поляк, 15 — немис, 17 — бошқирд эди. Ҳолбуки, маҳаллий аҳоли 95 фоизни ташкил қилар эди. Бу узоқ йиллар давом этди. Ҳатто Ўзбекистон коммунистлари раҳбари Акмал Икромов ЎзКП МКнинг 1927 йил 19 мартдаги V пленумида қилган маърузасида САГУга алоҳида тўхталиб, унинг ўз номига номуносиблигини, 2000дан ортиқ талабадан 80тасигина ўзбек эканлигини айтиб, қаттиқ танқид қилган эди. Шўро тузуми танловининг мезонларидан бўлган ижтимоий келиб чиқиш жиҳатидан олиб қараладиган бўлса, 1921 — 27 йиллар қиёсида деҳқон 20—36, ишчи 18—25, хизматчи 5—28 фоизга ўсиб боргани, ҳунарманд 21 — 10, бой ва руҳоний 3—4 фоиздан 0 фоизга тушиб боргани кузатилади. Мана шундай шароитда ҳам халқимиз университетда ўқий олди. Шунчаки ўқиб қолмади, янги, замонавий илм-фанини, маданияти ва саноатини, таълим-маориф тизимини яратишга уринди. Университет биргина Ўзбекистон эмас, бугун мустақил давлатлар бўлиб қолган Ўрта Осиёдаги беш республика учун ҳам замонавий илм-маърифатга бешик бўлди. Янги давлат ва маданиятларнинг пойдеворини қўйган қардошларимиз шу даргоҳда таҳсил олиб, тарбия топдилар. Минтақамиздаги бугун фаолият кўрсатиб турган илм ва таълим-тарбия муассасалари шу ердан учирма бўлган.

ТошДУ адабиёт ва маданиятнинг ўнлаб забардаст вакилларини етказди. Қозоқ адабиётининг классикларига айланиб қолган Мағжон Жумабой, Мухтор Авезовдан туркман Хидир Деряевгача ду даргоҳда таҳсил кўрган. Ўзимизнинг Ойбегу Қаҳҳорларимиздан Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповгача, Саида Зуннуновадан Ҳалима Худойбердиевагача, Асқад Мухтордан Ўткир Ҳошимову Шукур Холмирзаевгача шу ерда ўқиганлар.

ТошДУ собиқ советлар сарҳадларидагина эмас, олис хорижда ҳам эътироф этилган илмий кашфиётлар, мактабларга доя бўлди. 1928 йили физика-математика факултетининг 2 илмий ходими университет ихтиёридаги асбоб-ускуналар ёрдамида тажрибалар ўтказиб, жаҳонда биринчи маротаба ҳаракатланувчи тасвирни узоқ масофага узатувчи электрон телевидение қурилмасини яратдилар. ЮНЕСКО 1971 йил 16 апрел қарори билан тошкентлик ихтирочиларнинг кашфиётини эътироф этди. 1943 йили ташкил топган Ўзбекистон Фанлар академиясининг янги сайланган 11 ҳақиқий аъзосидан 7таси шу университетни битирган. Бугунгача сайланган 11 президентнинг 9таси ТошДУдан чиққан. қолган 2тасидан бири — Убай Орипов умр бўйи физфакда ишлади. Университетнинг ўз салоҳиятлари билан турли республикаларда хилма-хил фан соҳаларининг яловбардорига айланган собиқ талабалари ҳам йўқ эмас. Собиқ СССР ФАнинг вице-президенти даражасига кўтарилган Белозерский, Қирғизистон ФАнинг собиқ президентларидан М. М. Адишев, Қозоғистон ФАнинг вице-президенти Ж. Такибаев, Кишинев университети ректори Лазуревский, Рига университети ректори Кадек, Тожикистон ФА президенти С. Умаров кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Бугунги кунда ҳам биология, кимё, математика, физика, физиология соҳаларида хорижий мамлакатларда эътироф этилган илмий мактаблар бор. Муҳими шундаки, САГУ (1923), ТошДУ (1960) номлари билан аталган, бир қарашда шўро идораси ва мафкурасининг таянчи ҳисобланган бу даргоҳда унинг руҳи ва мақсадига тамомила қарама-қарши бўлган мустақиллик мафкураси ҳам ниш уриб борди ва 60-йиллари бошланган, 80-йилларнинг охирларида ўзининг авж нуқтасига кўтарилган бу фикр-қарашлар 1991 йили қўлга киритилган ва кундан-кун мустаҳкамланиб бораётган мустақиллигимизнинг маънавий таянчи бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни пайтда, университет мустақиллигимизнинг бугунги бош масалаларидан бўлиб турган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини бажариш борасида меҳнат қилаяпти. Янги даврнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан 28 йўналишдаги бакалаврлик, 116 мутахассислик бўйича магистрлик стандартлари ва намунавий дастурлари тайёрланиб, таълим жараёнига тадбиқ этилмоқда. Бу йил қабул қилинган 250 бўлажак магистрга 25 академик ва мухбир аъзо, 150га яқин фан доктори, профессор дарс беради. ТошДУ ҳақли равишда Республика олий ўқув юртлари орасида таянч университет вазифасини бажариб турибди.

Буюк келажакни яратиш, Ватан ва Миллат камолини жаҳоний миқёсларга кўтариш маълум маънода Миллий университет тушунчаси билан ҳам боғланади. Бу масъулиятли, лекин ғоят муҳим вазифани ҳал этишда ТошДУнинг имкониятлари, тажриба ва салоҳияти ажралиб туради.

Президентимизнинг ТошДУ заминида Ўзбекистон Миллий университети ташкил этиш ҳақидаги фармони бу — мамлакатимизнинг бош ва тўнғич олий ўқув юртининг мавқеи ва хизматларини эътироф этмоқдир. Тарихининг 1918 йилдан белгиланиши ва жадид зиёлиларимизнинг университетни ташкил қилишдаги тарихий хизматларини қайд этмоқ эса, адолатни тикламоқдир.

Адолат, ўз навбатида, демократик фуқаролик жамиятининг биринчи шартидир.

**Бегали ҚОСИМОВ,**
**профессор**

# ДЕҲҚОННИНГ КУНИ ТУҒДИ

*Кўклам нафаси*

Бундан саккиз-тўққиз йил бурун тракторчи Олмос акага биров: "Ҳадемай, сен мустақил деҳқон бўласан, ўз еринг, ҳисоб рақаминг бўлади, давлат билан ўзинг ҳисоб-китоб қиласан", деса, ишонмаган бўларди. Рост-да, ота-бобоси деҳқон ўтган, ўзи ҳам эсини таниганидан бери далада кетмон чопиб юрган бўлса. Олдинги замонда кетмончи ғайрат қилса, Олмос акага ўхшаб тракторчи бўлиши мумкин эди. Ҳисоб-китобу мустақилликни, мулк эгаси бўлишни ўқиганларга чиқарган, деб юраверарди.

Юртда дориломон кунларнинг насими эса бошлади-ю, мустақиллик шабадалари унинг ҳам даласига етиб келди.

Онг ўзгарди. Демак, меҳнат қилиб ҳам одам боласи барака топаркан, деган ишонч пайдо бўлди.

Деҳқонга ўз сўзини айтадиган кун келди. Одамларга томорқа учун ер берганлари бир сари қамровни янада кенгроқ олиш имкони туғилди.

1992 йилнинг бошиданоқ Олмос аканинг юрагида энтикиш ватан қуриб, тинч ўтиролмай қолди. Мана, 41 ёшга кириб у не-не онларда ўйлаган, орзу қилган имконият бўсағасида турарди. Тўрт-бешта табиати ўзига ўхшаган йигитларни йиғиб, 18 гектар ер олди.

Янги ҳаёт шу кундан бошланди. Энди нолийдиган, берсанг еймaн, урсанг ўламан, дейдиган замон кетди. Асрий мутелик ҳам чекиниб, юракларда янги ҳаёт, орзу-ҳавас туйғуларда ҳукмрон бўлди.

Булунғур туманидаги "Дўстлик" жамоа хўжалиги қошида "Олмос" деҳқон хўжалигини тузган Олмос акани энди таниб бўлмай қолди. Хатти-ҳаракати, гап-сўзи бошқача! Ўз ҳақ-ҳуқуқини билади у энди.

Аммо ҳолва деган билан оғиз чучиб қолмайди, дегани рост чиқди. У ўз шогирдлари билан бирин-кетин тўсиқ ва тазйиқларга учрай бошлади. Унга бармоғини нуқиб, айтганини қилдирадиганлар ҳамон йўқ эмасди.

Айтсанг, зиддиятдан достон битасан. Аммо гап бу хусусда эмас. Гап Олмос аканинг қандай қилиб куни туққани ҳақида.

Кунларнинг бирида у эккан, энди тўпиқдан ошган карамлари тепасида бир-бирига зид келувчи шашт, афсус, армондек туйғулар қуршовидан бош эгиб хўжалик ва туманда унга бўлаётган тўсиқлар тўғрисида ўйлаб турарди. Ундан сал нарида бир машина келиб тўхтади. Ният холис бўлса ҳеч гап эмас экан. Рўпарасида қўшқўллаб салом берганча тележурналист Нурилла Остонов турарди.

— Ҳа, деҳқон бува, тинчликми?

Олмос ака кўзини юмиб оғзини очди, бор дардини тўкиб солди.

Орадан кўп ўтмай журналист бутун Ўзбекистонга Олмос деҳқон ҳақида бонг урди. Деҳқоннинг кўнгли ўсди. Турт-турт камайди. Билишдики, деҳқон ёлғиз эмас. Уни ҳам сўроқлайдиганлар бор экан.

Йил кетидан йил келди. Қувонч ва ташвиш эгиз бўлиб келаверди. Сафдошлари кўпайди. Шу хўжаликнинг ўзида 1995 йилга келиб унга ўхшаган деҳқон хўжалигининг сони 18тага етди. Уларнинг ҳар бири кучига қараб биров 6, биров 20 гектар олиб, хуллас, 200 гектар ерга эга бўлишди. Қўлни қўлга бериб яхши ниятлар билан "Машъал" деҳқон фермер хўжаликлар уюшмасини тузишди. Аммо бу ҳаракат навбатдаги зарбага дуч келди. Турли важлар билан бу хўжаликлар сони 6тага келтирилди. 12та деҳқон хўжалиги турли сабаблар рўкач қилиниб тугатилди...

Чидаганга чиқарган, деган гап бор. Қийинчиликка бас келган майдонда қолади. "Омон қолган"лар ишлайверишди. Деҳқон хўжалигининг жамоа хўжалигидан афзаллигини исботлайверишди.

Ниҳоят, Булунғурга деҳқонни тушунадиган, замон талабини ҳаётга тадбиқ қиладиган раҳбар келди.

— Янги ҳоким келиб кўкракка шамол тегди, — дейди Олмос ака Мирзаев. — Сувниям, ўғитниям, маҳсулот учун пулниям вақтида оляпмиз. Шартномадаги гап ҳам ваъдаси билан бўляпти. Ишчиларимиз ҳам барака топяпти. Деҳқон хурсанд — ҳамма хурсанд. Деҳқон тўқ — эл тўқ.

"Машъал"нинг кўрсаткичларини кўринг. Майли, узоқ кетмайлик, 1999 йилни олайлик. Узум 133,3 тонна, яъни шартномадагига нисбатан 208 фоиз, помидор 225 тонна режага нисбатан 206 фоиз. Ғалла, сабзавот режалари ҳам ошиғи билан дўндириб ташланди.

"Ҳозир "Машъал" таркибида олтита деҳқон фермер хўжалиги мавжуд. Ўз ишларидан, замондан, раҳбарлардан барчалари хурсанд.

**Маҳмуд БЎРОН**

# ТУРФА ОЛАМ ЖИЛОЛАРИ

*Рассом устахонасида*

Низомиддин Холиқов ўзбек графика санъатининг янги кўтарилиш даври – 60-йилларнинг иккинчи ярмида графика санъати устаси сифатида нафосат оламига кириб келди. Ёш рассомнинг Ғафур Ғулом номидаги нашриётдаги дастлабки фаолияти, бу улкан даргоҳдаги кўплаб тажрибали ва иқтидорли мусаввирлар билан бўлган ижодий мулоқотлари тез орада унинг номи танилишига, рассом сифатида шаклланишига асос бўлди. У талабалик йилларидаёқ А. Қаҳҳорнинг "Нурли чўққилар", халқ оғзаки ижодидан "Гулпари" достонига бадиий безак чизиб, ўз иқтидорини намоён этган эди.



Н. Ҳолиқов энг аввало, гравюрачи рассом сифатида линогравюра, ксилография, литография, офорт, монотипия каби турли техник, шунингдек, туш, гуаш ва субўёқ каби патқалам услубларида ижод қилди. Халқ оғзаки ижоди намуналаридан "Ойжамол", "Гулшанбоғ", Эргаш Жуманбулбул ўғли достонлари, А. Мухторнинг "Чинор", Э. Воҳидовнинг "Достонлар", Муқимийнинг "Асарлар", А. Навоийнинг "Садди Искандарий" ва бошқа ўзбек адабиётининг энг сара асарларига тасвирий шакл ва мазмун бахш этди. Уларда адабий ва график образлар бирлигини, қаламчизгилар жозибаси, асар тархидаги ўзига хос ечим, матн ва тасвир ўртасидаги ички бирликни кузатамиз. Н. Ҳолиқов А. Дюрер, А. Фаверский, Кравченко каби ўтмишдошлар ишларидан қанча таъсирланса, замондош устозлар И. Икромов, Ч. Аҳмаров ёки сафдоши И. Кириакиди (хусусан, "Шоҳнома" тасвирлари) асарларидан кўпроқ илҳомланди. Бу мактаб асосида ўз дастхатини шакллантиришга интилди.

Рассом истеъдодининг яна бир қирраси дастгоҳли графикада намоён бўлди. Дастгоҳли графика рассоми ёзувчи ёки шоирга боғланиб турувчи ришталардан ҳоли бўлган эркин йўналишдаги ижодкордир. Масалан, "Алишер Навоий шогирдлари билан" линогравюрасидаги лирик кайфият шоир яшаган давр руҳияти, миниатюра оҳангларида ифода этилган бўлса, "Баҳор", "Дугоналар", "Тўрғай", "Катта ашула" каби гравюраларнинг лирик қаҳрамони – гўзал табиат академик чизгиларда маҳорат билан яратилган.

"Катта Фарғона канали" асарида буюк халқ жасорати, инсон куч-қудрати кенг кўламда тасвирланган бўлса, икки қисмли "Кампирровот тўғони"да қудратли техника ва инсон ақл-заковати биринчи ўринга чиққан. Бир қатор портретларида, жумладан, шоирлар Миртемир, Муҳаммад Али ҳамда "Бригадир", "Она" сиймоларида рассом маҳоратининг ҳамда чизгилар орқали инсон руҳияти ифодасининг гувоҳи бўламиз.



Н. Ҳолиқов субўёқда ҳам ўз ижод дастхатига эга мусаввирдир. Уруш мавзуидаги тарихий саҳифаларда, Андижон адирлари, водий гўзалликлари, шаҳар ва қишлоқ манзараларида, айниқса, ўз таъбири билан айтганда "шакар қўшиб ишланган" "Ғилон" туркумларида энг аввало, табиатнинг уч унсури – ер, осмон ва ўсимликлар дунёсининг яхлитлиги, ўзаро уйғунлиги сезилади.

Субўёқдаги мусаффо ранглар жилоси таъсир этдими ёки устоз мусаввир, Ўзбекистон халқ рассоми Лутфулла Абдуллаевнинг "Сен мойбўёққа ўтишинг керак", деган ундовлари сабаб бўлдими, ҳар қалай кейинги икки-уч йил давомида мойбўёқли рангтасвирлар мусаввир фаолиятининг асосига айланиб қолди ва ўз ифода услуби билан мухлисларни ҳайратга сола бошлади. Рассомнинг бу борадаги фаолиятида "Баҳор", "Ҳунармандчилик", "Нуронийлар", "Ёшлик" каби рангтасвирлар дебоча вазифасини ўтайди.

90-йилларнинг иккинчи ярми ўзбек тасвирий санъатида кескин бурилишлар, рассом "мени"ни кашф қилиш йўлидаги янгидан-янги дадил изланишлар ва тажрибалар даври бўлди. Натижада, жаҳон маданий мероси анъаналарига содиқ, шарқона фалсафий тафаккур ғояларидан илҳомланган ва ҳеч бир "изм"лар қобиғига сиғмайдиган ижодкорлар шакллана бошлади. Низомиддин Холиқов рангтасвирларида ҳам ана шундай ижодий жараённи ҳис қиламиз. Рассом ижодида тўқ кўк ва қизил тусли қуюқ бўёқлар ҳал қилувчи рол ўйнайди. "Муҳаммад Раҳимхон Феруз", "Икки файласуф", "Бозорда", "Уммон", "Ҳарорат" каби рангтасвирларида сирли бўёқлар қудратининг гувоҳи бўламиз.

"Алпомиш", "Умар Ҳайём", "Куз" каби асарларда мусаввир ўзлиги янада равшанроқ намоён бўлади. Назаримда, Н. Холиқов рангтасвирлари самода тинимсиз ўзгарувчан ва камалакнинг етти жилосида товланаётган шаклларни эслатади.

Олтмиш ёшни қоралаётган, салкам қирқ йиллик фаолиятида графика соҳасида ижод қилган рассомнинг бу каби сирли ранглар оламига ғарқ бўлиши унинг қалбида юз бераётган бетакрор кечинмалардан далолатдир. Ана шунда бетакрорлик ва ижодий изланишлар яна кўп йиллар давомида устоз мусаввиримизни тарк этмасин, деймиз.

**Дилшодбек ЮСУПОВ,**
**санъатшунос**

# ЧИГАЛ ТАҚДИР

Шарқ юлдузи

"Манбаларда Машраб қабри Ишконмишда дейилган. Харитадан Амударёнинг бошланиш ўнг соҳилида Ишконмиш номли жойга кўз тушганда "Бу ўша қишлоқ эмасмикин?", деган хаёлга боради киши.

Машраб етук шоир эди. Унинг бор бахти ҳам, бахтсизлиги ҳам шу туфайли. Ундан ўзга барчаси, жумладан, мен хаёлан кезиб чиққан йўллар ҳам шу етуклик атрофидаги бир овозадир, холос.

Мен чигал бир тақдир сўқмоқларидан машқ йўлини ўтдим. Бу борадаги тарозу босар ҳар бир сўзга қулоқ тутмоқ вазифам эди, шунга амал қилдим".

Ушбу иқрорлар "Шарқ юлдузи"нинг ўтган йилги охирги сонларида эълон қилинган Хайриддин Бегматнинг "Меҳрибоним, қайдасан" номли романининг хотимасидан. Мазкур асар, айтиш мумкинки, журналнинг ўз ўқувчиларига ўтган йилдаги энг яхши туҳфаси бўлди.

Дарвоқе, журналнинг 1999 йилги сўнгги сонлари шу кунларда ўқувчилар қўлига етиб борди. Уларда оташнафас шоиримиз Машраб ҳақидаги романдан ташқари яна замонавий мавзулардаги кўплаб насрий асарлар эълон қилинган. Хусусан, Маматқул Ҳазратқуловнинг "Афғонли кунлар" қиссаси, Қаҳрамон Аҳмаднинг "Ёлғиз хонадон сири" саргузашт қиссаси, Суннатилла Анорбоев, Жамила Эргашеванинг янги ҳикоялари, Ёқуббек Яквалхўжаев қаламига мансуб "Дардимга қулоқ тут, дунё" сарлавҳали бадиалар шулар жумласидандир.

Журналнинг ҳар икки сонидан турли авлодга мансуб ва турлича услубга эга кўплаб шоирларнинг ижодларидан намуналар берилган. Улар орасида таниқли шоирамиз Ҳалима Худойбердиеванинг "Мен ҳам йўллардаги битта фидоман" сарлавҳали янги туркуми шеърият мухлисларида алоҳида эътибор уйғотиши шубҳасиз. Рўзи Қодирий, Мирпўлат Мирзо, Абдулҳай Носиров, шунингдек, навқирон авлод вакилларидан Фахриёр, Ойгул Убайдулло қизи, Оллоёр, Ғулом Мирзо, Фируза, Замира Эгамбердиева ва Ҳумоюннинг туркум шеърлари қайсидир маънода ёшлар шеъриятида кечаётган ўсиш-ўзгаришларни ўзида акс эттириб туради.

"Шарқ юлдузи" журнали кейинги сонларида адабий танқидга кенгроқ ўрин бераётгани эътиборга лойиқ. Шу ўринда биз адабиётшунос олим Ваҳоб Раҳмоновнинг журналнинг 5-сонида эълон қилинган "Сўз ғалат, имло ғалат, луғат ғалат, маъно ғалат" сарлавҳали мақоласини таъкидлашни истардик. Мақолада ўнинчи синф учун чиқарилган "Ўзбек адабиёти" мажмуасида йўл қўйилган кўплаб саҳву хатолар асосли далиллар воситасида аниқ кўрсатиб берилади. Шунингдек, Абдуғафур Расулов, Баҳодир

## СЎҚМОҚЛАРИДА

*"Шарқ юлдузи", 1999 йил, 5-6-сонлар*

Назаров, Бойназар Йўлдошев, Туроб Ирисбоев мақолаларида бугунги адабий жараёнга, ўзбек танқидчилиги тарихига доир кузатишлар, мулоҳазалар баён этилган.

Журналнинг 6-сонида "Дунё билан юзма-юз" рукнида берилган олмон адиблари ва шоирлари ижод намуналари "Шарқ юлдузи" муштарийларини ҳозирги замон жаҳон адабиёти билан таништириб боришдаги ҳаракатнинг мунтазамлигидан далолатдир. Хусусан, Хенрих Бёлль, Волфганг Борхерт каби машҳур олмон ёзувчилари ҳикоялари, XX аср олмон шеъриятидан намуналар журнал муштарийлари учун кўнгилли учрашув бўлса ажаб эмас.

# ЎРИКНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

Жаннатмакон ўзбек диёрида етиштириладиган хилма-хил, ширин-шакар мевалар ичида ўрик алоҳида ўрин тутади. Бу мева ўзининг инсонга ўта фойдали эканлиги, дармондориларга бойлиги билан ажралиб туради. Ўрик ўзининг тўйимлилиги билан нон ўрнини ҳам боса олади.

Бордию, у нон билан истеъмол қилинса, нонниинг қувватини, тўйимлилигини бир неча бор оширади.

Ўрик қонни кўпайтиради, унинг рангини яхшилайди, мушакларнинг эгилувчан-букилувчанлигини оширади, суякнинг бикирлаштирилишида эса, ўта муҳим омилдир.

Ўрик бир қанча касалликларнинг олдини олади. Бордию, касаллик рўй берган тақдирда, уни даволашда муҳим дори ўрнини боса олади. Масалан, шол, палаж, камқонлик, сил, суяк, ошқозон, бовосил, қанд, қон босим, оққон каби бир қанча оғир касалликларни, уларнинг ҳамма турларини даволашда асосий дорилардан бири ҳисобланади. Беморнинг ичини ювиш керак бўлганда ўрик қатиқ зардобидан кейин иккинчи ўринда туради.

Ўрик мевалар ичида инсон учун мутлақо салбий томони йўқ мева ҳисобланади.

Ўрик истеъмол қилинганда у нон каби — ҳеч қачон меъдага урмайди.

Ўрик шарбатини ким қанча ичмасин, унинг инсон учун ҳеч қандай зарари йўқлиги илмий исботланган.

Тўғри, умрида ўрик қайнатмасини ичмаган одам, биринчи марта ичганда, уни бир суриб олади. Лекин бу ҳол баданга мослашиш даврида юз берадиган ижобий ҳолдир.

Бир нарса қизиқ-да, озиқ-овқат, мева-сабзавот соҳасида қалам тебратувчи олимларимиз, шу соҳа мутахассислари ажойиб мевамиз бўлмиш ўрик шарбатидан ичимлик яратсалар бўлмайдими? Агар шунга эришганимизда эди, биз дунёнинг ҳамма қитъаларида манзур бўладиган ўзбек ичимлигининг кенг тарқалишини кўрардик.

Ўрик мевасини қуритиб, бир неча йиллар сақлаш ҳам мумкин.

Бугун биз ўрик ҳақида гап юритдик. Бу азиз Ватанимизда ўрикка ўхшаш ажойиб меваларимиз озми? Масалан, турли тутларимизни олинг. Улар ҳақида ёзадиган бўлсак, бир неча китоб-рисолалар битиш мумкин. Тут меваси ўзича алоҳида бир дунё. У ҳам ўрикка ўхшаб, инсон учун ҳар томонлама фақат кони фойда шифобахш ва тўйимли мевадир.

**Абдулазиз**
**САИДНУРИДДИН ўғли,**
**халқ табиби**

